# КАМОЛИДДИН БЕҲЗОДНИНГ СОХТА ПОРТРЕТИ

Тарихдан маълум, истеъдод ва ҳунар даҳоларини ҳар бир ҳукмдор ўз саройида ишлатишдан, уларни ўзиники қилиб олишдан манфаатдор бўлган. Камолиддин Беҳзод мураббийси Алишер Навоий (1501 йил), ҳукмдори Султон Ҳусайн (1506 йил) вафотидан кейин Шайбонийхон (1500—1510) хизматига ўтиб, Самарқандда яшай бошлаган. Кўчкунчихон ҳукмронлиги замонида ҳам (1510—1530) Беҳзод Самарқандда бўлган, 1507 йили Шайбонийхон портретини яратган.

Петербурглик шарқшунос олим Олег Акимушкин ўзининг «Мусаввир Беҳзод ва хаттот Маҳмуд Нишопурий тўғрисида афсона» («Народы Азии и Африки» журнали, 1963 йил, 6-сон) мақоласида сафавийлар шоҳи Исмоилнинг Камолиддин Беҳзодни ўз саройига келтиришга урингани ёзади.

Маълумки, Исмоил Сафавий (1502—1524) Оққуюнлилар давлати (1468—1502)ни тор-мор келтириб, сафавийлар давлатига асос солди. Мазкур давлат Қизилбошлар давлати деб ҳам аталган. Чунки Исмоил Сафавий амалдорлари учун махсус кулоҳ таъсис этганди. У ўн икки қовурғали, тепасида қизил таёқчали бўлган. Оқ кулоҳни ўн иккига бўлиб турадиган жияклар ҳам қизил рангда бўлган. Кулоҳ шиаларнинг шаҳид кетган ўн икки нафар имоми рамзи тарзида яратилган.

Афсонада айтилишича, Шоҳ Исмоил 1514 йил августида Жанубий Озарбойжондаги Чолдирон текислигида турк султони Салим Биринчи (1512—1520)га қарши жанг қилади. Шоҳ Исмоил жангга кетиш олдидан: «Ким билади, тақдиримда нималар ёзилган. Жангда душман ғолиб келса, ўларман ёки қочиб қутуларман. Эрон мамлакати вайрону талон-тарож қилинади. Бироқ саройимдаги Беҳзод ва Маҳмуд Нишопурийнинг Султон Салим қўлига тушиб қолишини асло истамайман», дейди. Беҳзод билан Маҳмуд Нишопурийни унинг буйруғига кўра холироқ бир ғорга беркитиб, ғор оғзини суваб ташлайдилар. Жангдан қайтиб келиб, сарой аъёнларига айтган биринчи гапи: «Беҳзод билан Шоҳ Маҳмуд тирикми?» деган сўроқ бўлган.

*Ўзбеклар ва дунё*

Камолиддин Беҳзоднинг 1514 йили Шоҳ Исмоил пойтахти Табризда бўлгани манбалардаги маълумотларда тасдиқланмайди. Хаттотлар ҳақида рисола муаллифи Қози Аҳмад Мир Муншининг ёзишича, Беҳзод Табризга келган йили Султон Муҳаммад наққош шоҳ Таҳмоспга мусаввирликдан дарс ўтар эди. Шоҳ Таҳмоспнинг 1514 йили туғилганини назарда тутсак, Беҳзод Табризга келганида Шоҳ Таҳмосп 7-8 ёшда, яъни 1522 йил бўлган.

Айни шу йили, 1522 йилнинг 24 апрелида Шоҳ Исмоилнинг Беҳзодни сарой китобдори этиб тайинлаш ҳақидаги фармони чиқади. Фармон охирида қуйидаги огоҳлантиришлар ҳам мавжуд:

«Мазкур устод Беҳзод тағин омонат кайфиятини ва диёнат чеҳрасини хотири лавҳи равшан замири саҳифасига нақшламасин... иккиюзламачилик майлидан сақлансин» (Хондамир).



Маълум бўладики, Беҳзод Табризга ўз ихтиёри билан келмаган.

Бунинг устига Беҳзоднинг қизилбошлар кулоҳи кийдирилган портрети ҳам яратилган. Портретда мусаввир 25-30 ёшларда. Беҳзоднинг 1455 йили туғилганини назарда тутсак, у ёши етмишга яқинлашганда Табризга борган. Унгача Шоҳ Исмоил Беҳзодни ўзиники, деб ҳисоблаб, шиалар кийими ва кўринишидаги сохта Беҳзод портретини чиздирган. Бу ҳолатга рус шарқшуноси А.А.Семёнов ҳам эътибор берган эди. У ўзининг «Портреты эпохи Навои» (Тошкент, 1940) китобида Беҳзод портретининг Табризда эканлигида яратилганини таъкидлаган. Айтилганлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, мазкур портрет Беҳзодни Табризга олиб кетишга уриниш йиллари (1510—1515) буюк мусаввирни кўрмасдан, тахминан чизилган. Буни Шоҳ Исмоилнинг сохта обрў орттириш учун уриниши эди, деб тушуниш мумкин.

**Наим НОРҚУЛОВ,**
**тарих фанлари номзоди**

# Дунё — кенг...

## УРИ ГЕЛЛЕРНИНГ ҒАРОЙИБ "ҲУНАРИ"

Ҳақиқий мўъжиза ҳар куни рўй бермайди.

Ливерпулда чиқадиган "Жуиш телеграф" газетасининг 50 йиллиги муносабати билан уюштирилган тадбирда ақл бовар этмайдиган ғаройиб ҳодиса содир бўлди. Табиийки, бундай тадбирлар "катталар" иштирокисиз ўтмайди. Ливерпул ҳокими Эдди Клейн маросимга ҳашамдор либосда ташриф буюрди. Унинг кўкрагида улкан олтин занжирга биркитилган, тевараги қимматбаҳо гавҳар тошлар билан безатилган, Ливерпулнинг герби туширилган қадимги нишон ярқираб турарди.

Тасодифни қарангки, юбилейга Америкадан машҳур экстрасенс Ури Геллер ҳам етиб келганди. Ҳокимни океан ортидан келган меҳмонга таништирмоқчи бўлишганида, меҳмон қўлини силтаб, у билан гурунглашишдан бош тортди. Бу ҳолдан бош муҳаррир саросимага тушиб қолди. Ури Геллер эса аллақандай занжирларни кўришга тоби йўқлигини, Ливерпул герби туширилган нишонга зиён-заҳмат етказиб қўйишни истамагани учун ҳоким билан кўришиб-сўрашмаганини тушунтирди.

Бу гап ҳоким қулоғига етганда у хахолаб кулди ва кўкрагидаги нишон жуда мустаҳкамлигини, не бало-қазоларга гувоҳ бўлганига қарамай, бирор жойи ҳатто тирналмаганини айтди... Хуллас, бироз ўтиб, бу ноқулай аҳвол унутилди.

Кечки овқат маҳали Ури Геллер Ливерпул полицияси бошлиғи билан ёнма-ён ўтирди. Қизиқчилик учун Ури бошлиқнинг олдидаги кумуш қошиққа нигоҳини қадаб, букди. Шу пайт столнинг ҳоким ўтирган тарафидан аёл кишининг чинқирган товуши эшитилди. Қўрқиб кетган меҳмонлар кўз ўнгида ҳокимнинг кўкрагидаги қадимги нишон ўз-ўзидан букилиб, саккиз дона гавҳар тош ерга тўкилди.

"Шу пайт мен бўйнимда аллақандай титроқни сездим, — деди ҳоким воқеага изоҳ бериб, — нишоннинг орқасидаги қопқоғи кўчиб тушаётганини ҳис этдим. Бу қандай юз берганини тушунтиролмайман, бироқ ишончим комил, бу Урининг иши". Геллер эса олдин ҳам заргарлик буюмларини кўз қараши билан букканини, бир гал миллион доллар турадиган кумуш чавандоз ҳайкалчасини эгганини айтиб, ҳокимнинг кўкрагидаги нишондай ўта қимматбаҳо нарсанинг шаклини биринчи марта ўзгартирганини тан олди.

Ҳозир мутахассислар нишонни қандай таъмирлаш ҳақида бош қотиришмоқда. Унинг нархи эса камида бир миллион фунт стерлинг (1,5 миллион доллар).

## ШОИРНИНГ ШАВҚИ БАЛАНД

Россиянинг шимолий ўлкаларида яшовчи ненец, ханти ва манси каби халқлар оғир иқлим ва турмуш шароити таъсирида йилдан-йилга сон жиҳатдан тобора камайиб бораётгани сир эмас. Ненец шоири Юрий Айваседа бу ташвишли ҳолнинг олдини олиш, ўз халқининг сонини кўпайтириш учун кўшхотинлик таклифи билан чиқди. Унинг ўзи иккинчи бор уйланишга қарор қилган, хотини Елена эса бунга розилик билдирган. Улар 30 йилдан бери бирга яшашади, тўртта фарзандлари бор.

Ю.Айваседани Ғарбда, хусусан, Германия, Венгрия, Финляндия, Эстония ва бошқа мамлакатларда Шимол халқларининг қадимий маданияти, тили ва анъаналарининг билимдони сифатида яхши танишади ва қадрлашади.

Шоир Москвадаги Адабиёт институтини тугатгандан бери ўзининг овулида яшаб, ижод қилиб келади. Яшаш шароитидан нолимайди, сиҳат-саломатлиги жуда яхши. Чунки Ю.Айваседа ҳаётида чекмаган, мана, чорак аср мобайнида спиртли ичимликларни оғзига олмайди. Айни мана шу балоларга ружу қўйиш, шоирнинг эътирофича, Шимол халқларининг камайиб кетишига олиб келаётир.

Энди шоирнинг уйланишига келсак, бу масалада анчагина муаммолар бор экан. Биринчидан, унга иккинчи хотин бўлишга истак билдирганлар орасида ҳозирча ненец, ханти ёки манси миллатларига мансуб қизлар чиқмаётир. Эр-хотин Айваседаларнинг мўлжалича, бўлажак оила аъзоси уларнинг катта қизларидан ёш бўлмаслиги лозим. Катта қизлари эса ўттиз ёшда... Хуллас, шоир Юрий Айваседанинг шавқи баланд. Қутлуғ мақсад йўлида ҳар қандай ташвиш ҳам инсонга оғир ботмайди, албатта.

## ЯНА "УЧАР ЛИКОПЧА"

Олтой ўлкасининг маркази Барнаул шаҳрида ғалати ҳодиса рўй берди. 21 январ куни "Ил-76" юк ташувчи самолёт экипажи учиш йўлагига чиққач, учишдан бош тортди. Экипажнинг учишдан бўйин товлашига учиб-қўниш йўлагида аллақандай ёрқин объект тургани сабаб бўлган. Учувчилар, албатта, 1966 йили Ж.Кеннеди аэропортида шундай ҳолатда учишга жазм этиб, осмонда портлаб кетган "Боинг-747" самолётининг фожиасини эслаган бўлсалар керак. "Олтой" авиакорхонаси бош директори И.Комаровнинг журналистларга маълум қилишича, Иркутскдан учиб келган бошқа бир самолёт ҳам Барнаулдаги асосий аэродромга қўнишдан бош тортган. Учиш йўлагидаги номаълум учувчи жисм япасқи шаклда бўлиб, анча вақт кўтарилиб-тушиб турган. Гувоҳлар унинг шу атрофдаги қишлоқ қабристонига бироз қўниб турганини кўришган. Орадан бироз ўтгач, сирли "учар ликопча" Павловск шаҳри томон учиб, кўздан йўқолган.

# МАКТАБ ЭШИГИ ОЛДИДАГИ ЎЙ

(Боши 1-бетда.)

Бугун бу жараён шаклланди. Дунёнинг энг илғор илм ўчоқларидан қолишмайдиган мактабларда сабоқ олаётган фарзандларимиз хориж тилларини пухта ўрганишаяпти. Уларнинг бармоқлари компютер тугмалари устида эркин ҳаракат қилаяпти — жаҳоний билимлар дарчалари очилмоқда.

Ота-оналарда ҳам масъулият етилди - давлат фарзандим қисмати учун қайғураяпти, ўқиган, дунёни англаганларгина Ватаннинг чин маънодаги эгаси бўлиши мумкин, деган ўй кечмоқда улар кўнглида.

Мен бугун эрта тонгда Тошкентдаги 17-гимназия-мактаб эшиги олдида чорак соат турдим. Бирорта йирик ташкилот дарвозасида бунчалик кўп машина тўхтаб ўтмаса керак. Ота-оналар, чуғурчуғдай чулдираган болажонларини мактабга олиб келишаяпти.

Машиналардан тапир-тупур тушган болакайлар дарсга шошилишади. Мактаб — нуфузли мактаб. Албатта, ота-она олдидаги энг биринчи вазифа — фарзанд учун, келажак учун шароит яратиш-ку! Ҳатто ўз боласи учун ҳар бир оилабоши ўзини тиклаши, ўнглаши бугун ҳаётий ҳодиса бўлиши керак.

Давлат келажак учун барча шароитни яратди. Биз, оилабошилар ҳам фарзандимиз учун қайғуришимиз, ўзимизни эплашни билишимиз керак эмасми? Бугун ўз мустақил фикрига, иш юритиш услубига эга бўлмаган — ботинида ўзига ишончи йўқ кимса раҳбарликни ҳам, бирор бир ташкилотда қойиллатиб ишлашни ҳам уддасидан чиқолмайди. Хоҳ ишчи, хоҳ мансабдор, хоҳ зиёли бўлсин ўз касбининг фидойиси бўлолмаса, изланмаса, янгиликка интилмаса обрў топиши, эл назарига тушиши амри-маҳол. Чунки замон шундай шиддат билан илдамламоқда.

Билимга чанқоқ бўтакўз боланинг нигоҳидаги ҳайрат олови сўнмаса, тиниб-тинчимай, типирчилаб китоб варақласа, жамиятнинг ёруғ йўллар бошидаги олтин дарвозалари унинг учун очиқдир. Ҳамқишлоғим, сувчи Йўлдош бобонинг ўғли Америкада ўқиши мен учун бугун ҳайратланарли эмас. Бошқа қишлоқдошларим учун ҳам. У эртага телевизордан тараққиёт хусусида гапириб, Олтинсой тумани шароитида узумзор хўжаликларда шароб ва мева-шарбатлари тайёрлаш мумкин бўлган минизаводлар чизмасини кўрсатиб, фикрини исботлашга уринса ҳам ажабланмайман.

Лекин бир нарса менинг ҳайратимни қўзғатади — Олтинсойнинг Мўминқул қишлоғида жойлашган 19-мактаб томидан чакка томиши, деразалари синиб, поли ўйилиб, афтодаҳол кўриниши, синфхоналардаги печлар исимаслиги, мутасадди ташкилотларнинг эътиборидан четда қолганлиги уят.

Жамият келажак учун қайғураяпти. Олтинсойдаги раҳбарлар қаерга қараяпти?

x x x

Президентимиз "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувда сўзлаган нутқида ёш авлод бахт-иқболи, келажаги учун қайғуриш барчамизнинг қалб даъватимиз бўлиши зарурлигини таъкидлади. Демак, ҳар бир ота-она ўз фарзанди келажаги учун қайғуриши, бунинг учун шарт-шароит яратиш йўлларини излаши керак.

Жамиятда ҳар бир шахс келажак учун жавобгар.

Давр сўрови, миллат келажаги билан ҳазиллашиб бўлмайди.

Изланган, курашган ўғил-қизга бахтнинг эшиклари очиқдир.

**Қўчқор НОРҚОБИЛ**

**Умрлар бўладики, тиригида ўликдир,**
**Умрлар бўладики, ўлган одам тирикдир.**
**М.Шайхзода**

# МИЛЛАТ ТАРБИЯЧИСИ

*Миллатнинг асл фарзандлари, маърифатпарвар сиймолар миллат ва Ватанни офатлардан омон сақлаш, уларни карахт ва мудроқ бир ҳолга солган норасо тузум иллатларидан халос этиш учун курашганлар. Ўтган аср бошидаги Миллий уйғониш даврининг шундай буюк намояндаларидан бири, шубҳасиз, Маҳмудхўжа Беҳбудийдир. У ҳақли равишда ўз замонида Туркистондаги маърифатчилик ҳаракатининг раҳнамоси деб тан олинди. "Сиёсий, ижтимоий фаолияти ва билимининг кенглиги жиҳатидан Туркистоннинг ўша вақтдаги маърифатчиларидан унга тенг келадигани йўқ", деб ёзади Файзулла Хўжаев. Мазкур давр ижтимоий-сиёсий, маданий-адабий ҳаракатчилик тарихи билимдони Ингеборгхоним Беҳбудийни Қиримдаги Ғаспирали, Қозон татарларининг Қаюм Носирийси, туркларнинг Аҳмад Мидҳати сингари Ўрта Осиёнинг халқ муаллими эди, деб баҳолайди.*

*Фитрат, Чўлпон, Қодирий асос солган янги ўзбек миллий адабиётининг илк вужудга келишини адабиётшуносларимиз Беҳбудий номи билан боғлайдилар. Аллома "Падаркуш" асари билан ўзбек драматургиясини бошлаб бергани бунга бир асос бўлса, ўзбек публицистикаси унинг қалами билан сайқал топгани яна бир асос бўла олади. Миллат тараққийсининг жон озиғи бўлган мактаб-маориф, матбуот, театрчилик соҳалари ҳам Беҳбудий саъй-ҳаракати билан ривож топганини биламиз.*

*Беҳбудий халқни маърифат орқали миллий тараққиётга, истиқлолга олиб чиқиш мумкин, деб билди. Шунинг учун маърифат масаласига алоҳида аҳамият берди. Ўз иш-амалларини мусулмончилик аҳкомлари билан асослаган ҳолда, тараққий замон билан бирга юрди, кишиларни дунёвий илм-маърифатдан баҳраманд этди. Унинг "Самарқанд" газетасини ўзбек, форс, рус тилларида "Туркистоннинг ўрта шевасинда" таъсис этиши халқни замонавий "илм, маданият, ҳунар ва саноатга ошно бўлишларига ташвиқ этмоқдан иборат" эди. Мактаб-мадрасалар ислоҳ ва тараққийсига ёрдам бермоқ эди.*

*Қуйида сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган Беҳбудийнинг "Не учун илтифот этмайдурлар?" мақоласи оғир ва илтифотсиз замонда адибнинг халқни уйғотиш йўлида чеккан заҳматларидан хабар беради.*

***Тўлқин ТОҒАЕВ***

БЕҲБУДИЙ

# НЕ УЧУН ИЛТИФОТ ЭТМАЙДУРЛАР?

"Самарқанд" жаридасининг ўзбаки, форси ва руси тилларинда Туркистоннинг ўрта шевасинда таъсис этилиб эди. Мундан мақсад шул эдики, ғарбдаги баҳри Хазардан бошлаб, шарқдаги Ғўлжа ва Қошғаргача, шимолдаги Қозоғистондан бошлаб, жанубдаги Афғонистондан фосили*, Аму наҳри ўртасидаги васиъ арозиға* сокин турк ва тожик биродарларимизға бақадари тоқат хидмат этмоқ ва уларни маданияти ҳолийа ва ижобати асрийа, вақойиъ* замонийада Урусия култури илм, ҳунар ва саноатиға ошно бўлишлариға ожизона ташвиқ этмоқдан иборат эди. Мактаб бўлсун, мадраса бўлсун, ишкул бўлсун ислоҳ ва тараққийсиға ёрдам учун халқни даъват қилмоқ эди. Фосид* урф ва ботил расмларни, ёмон одатларни шаръан ислоҳиға кўшиш этмоқ эди. Ҳамда Самарқанднинг русий қисми воситасила кераклигимизни давлат ... Русияға билдирмоқ эди. Ёшлар ва ёинки ёшлик фикрини ва ҳолини рус ватандошларға билдируб, ватандошлик бобинда орани яқинлаштурмоқ эди, дини мубайянимизни(нг)* аҳкоми ва асоси маданияти ҳозирға мунофий* ва ё ватан Русияға музкур* ва ё рус ватандошлар ила иътилоқ этмоқға зид эмаслигини тадрижан иштиҳор* этдирмоқ эди...

Ушбу мақсаднинг баҳси маҳаллий уч лисонда бўлса, таъсирининг сариъ* ва умумиятини ҳамда форси, ўзбаки, руси қаламлик Туркистонли аҳли ватанимиз албатта мушоракат* этиб иона қилмайада бўлишларини яқин қилиниб эди, аммо, ҳайҳотки, бу умидларимиз бўшға чиқди. "Самарқанд" анқарийб бешинчи ойни тамом қилур. Бу муддатда русча қалами борларимиз беш сатрлик бир нимарса ёзмоқға...(ҳаракат) этмадилар... Инчунун, иона ва мушоракат қилмайаларидин умид қилинғонларимиз миллий жаридага, миллий хизматга аҳамият бермадилар (қаламлари ила иона эткон муҳтарам зотлар мустаснодурлар). Масалан, 15 минг мусулмон нуфуслик ва неча даста муҳаррир, шоир ва мусаннифи* бор ва бир неча жарида чиқарган Осиёйи васати* бўлган Тошкент шаҳридан форси ё турки ё руси валав* бир сатр бўлсун бир шай* келган йўқ. Бир милйун одамлик Хивадан бир муштарийимиз бор. Аммо бир сатр мактуб олмадук. Икки милйун одамлик Бухородан фақат жаноб Сирож Ҳаким бир-икки мақола ёздилар. Лекин милйунға қарийб нуфуслик Фарғона вилоятидин валав бир мақола бўлсун келмади (бир неча хабарлар, шахсият нимарсалар мундин хориждур). Еттисув ила Мовароуннаҳр, баҳри Хазарни(нг) арозийи саҳроия*, мактаб-мадрасасиз қозоқ ва туркманлар маъвоси муҳаррирдин мазур дейилур. Фарғона вилояти, Сирдарё вилояти, Бухоро аморати, Хива хонлиғи аҳли қаламиға удабо ва шуаросига на демакликни билмаймиз. Туркистондаги муҳтарам тотор биродарлардин баъзи мактублар келур ва кераклигининг шеваси тағйир* берилиб ёзиладур.

Ана ўн милйун халқға миллат учун ёзгучи ўн муҳаррири йўқдур. Оҳ на учун йўқдур. Лоқайдмиз! Хулосайи таҳаййурдамизким*, Туркистон, Бухоро ва Хива аҳли қаламы, шуароси на учун илтифот этмайдурлар?

"Ойина", 1913, 16 август, 36-сон.

**Луғат:**

**Фосила** — оралиқ.

**Васиъ арозиға** — кенг, ёйиқ ерларга.

**Вақойиъ** — воқеалар.

**Фосид** — бузуқ.

**Мубайян** — баён этилган, тушунтирилган, исботланган.

**Мунофий** — зид, қарши.

**Музкур** — зарарли.

**Иштиҳор** — шуҳрат топиш.

**Сариъ** — тез суръатли.

**Мушоракат** — ўртоқлик, биргалик.

**Васат** — ўрталик, ўрта.

**Валав** — лоақал.

**Шай** — нарса.

**Арозийи саҳроия** — саҳро ерлари.

**Тағйир** — ўзгартиш.

**Таҳаййур** — ҳайратланиш.



Қулоқ беринг: бутун борлиқ
Айланмоқда чаманга.
Чунки она алла айтар —
Бешикдаги Ватанга.

*Доимий ҳамроҳ*

Таниқли мунаққид Наим Каримов публицист Юсуф Бердиевнинг "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти томонидан чоп этилган "Ёниб яшаётган одамлар" номли янги китоби қаҳрамонларини "Нурли умр соҳиблари" деб атайди. Бу албатта бежиз эмас. Чунки китобдаги очеркларда ўзларининг эзгу амаллари, фидокорона меҳнатлари, кашфиёт ва изланишлари билан бошқаларга ибрат бўлаётган давримиз қаҳрамонлари ҳақида ҳикоя қилинган.

Атоқли шоиримиз Абдулла Орипов, миришкор деҳқонлар — Содиқжон Абдурасулов, Парда Зиёдов, Иброҳим Файзуллаев, Анвар Қурбонов, Шодмонқул Чориқулов, педагоглар — Мавлуда Исматова, Мартия Раҳматова, таъмирчи уста Мирумар Асадов, кончи Н.И.Кучерский, экскаваторчи Жонсаид Турдиев, қурувчи Холхўжа Умаров, зардўз Муяссар Темирова, чилангар Эркин Алимуҳамедов ва бошқа ўнлаб соҳа дарғалари ҳақидаги ҳикоялар бунга мисол бўла олади. Диққатга сазовор томони шундаки, муаллиф республикамизнинг турли вилоятларида яшаётган мазкур қаҳрамонлар билан шахсан учрашиб, ҳамсуҳбат бўлган, уларнинг муваффақиятлари "сири" билан яқиндан танишган.

Ю.Бердиев ўзининг "Санъатимиз сардорлари", "Қашқадарё қаҳрамонлари" сингари китоблари билан ижодий портретлар яратиш борасида яхшигина тажриба тўплаган эди. Янги китоби ҳам ана шу изланишларининг мантиқий давомидир.




М.Уйғур номидаги Тошкент давлат Санъат институти жамоаси катта ўқитувчи Дилшода Исамуҳамедовага онаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

**Гуландом ҒУЛОМОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Саид Анварга волидаи муҳтарамаси

**БУМАЙРАМ ая**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
*НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ*

**O'zbekiston adabiyoti va san'ati**

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, Котибият — 133-49-93
*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-58-49* *Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93*
*Санъат бўлими: 136-56-48* *Наср ва назм бўлими: 136-56-50*

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*
Навбатчи муҳаррир — Маҳмуд САЪДИЙ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г. — 2009. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—7119.